# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 20 октябрь, № 202 (6385) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*2015 йил 19 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан шу йил 16 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини таҳлил қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.*

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш, саноат тармоқларини техник янгилаш ва диверсификациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шу асосда мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорларидаги мавқеини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини, турмуши сифати ва даражасини ошириш масалалари ҳам мажлис қатнашчиларининг диққат-эътибори марказида бўлди.

Бугунги кунда бутун жаҳонда ривожланишнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган машҳур беш тамойилга асосланган чуқур ва пухта ўйланган стратегияни изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириш туфайли жаҳонда давом этаётган иқтисодий инқирозга қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланаётганлиги қайд этилди. Мамлакатимиз бугунги кунда иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлар орасида жаҳонда бешинчи ўринни эгаллаб турганлиги ва бу халқаро ҳамжамият ва халқаро молия институтлари томонидан муносиб равишда юқори баҳоланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,0 фоизга ўсди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Айниқса, қишлоқ жойларда маҳаллий истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ички талабни мувозанатли рағбатлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини давом эттириш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари — 10,1 фоизга, чакана товар айланмаси — 15,0 фоизга ва хизматлар кўрсатиш — 12,9 фоизга ўсишига кўмаклашди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмлари ўсиши 6,6 фоизга таъминланди. Жорий йилдаги ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, деҳқонларнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мўл ҳосили етиштирилди ва йиғиб олинди. Қишлоқнинг қиёфасини тубдан яхшилаш чоралари фаол амалга оширилмоқда, янги қишлоқ массивлари қурилишида замонавий намунавий лойиҳалар бўйича 9,3 мингта якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди.

Хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар дастурини изчил амалга ошириш кичик бизнеснинг 21,4 мингта ёки 2014 йилнинг шу давридагига қараганда 6,0 фоиз кўп янги субъектини ташкил этишга кўмаклашди. Кичик бизнес субъектларига давлат мулкининг 17,8 мингта фойдаланилмаётган объектлари ижарага берилди, умумий суммаси 9,6 триллион сўм банк кредитлари ва микрокредитлар ажратилди. Натижада саноат ишлаб чиқаришида, инвестицияларда, экспортда ва аҳоли бандлигида кичик бизнеснинг улуши ва роли узлуксиз ўсиши таъминланмоқда.

Аҳоли турмуши сифати ва даражасини янада ошириш йўли давом эттирилди. 748,7 мингта янги иш ўринлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 451,6 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорлари 1,1 маротаба оширилди. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш тадбирларини амалга ошириш давом эттирилмоқда, ушбу тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 2,0 триллион сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди.

Мажлиснинг кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида 2015 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрларига ва уни диверсификациялашга сўзсиз эришишни таъминлаш, шунингдек, 2016 йилда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам асос яратиш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Саноат тармоқларини ривожлантириш, диверсификациялаш ва модернизациялаш борасида кўрилаётган дастурий чора-тадбирлар саноат ишлаб чиқариши ҳажмларининг 7,3 фоизга ўсишини таъминлаганлиги қайд этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига жорий йил якунлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган барча мавжуд манбаларни ва ўсиш резервларини сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Бошқарув тизими самарадорлигини, энг аввало, корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда мамлакатимиз Президентининг қарори билан ташкил этилган Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига муҳим ўрин юкланганлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Тошкент шаҳрида "Кичик бизнес ускуналари ва маҳсулотлари" еттинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмагида "Expocontact" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда юртимиз ишбилармонлари билан бир қаторда, Хитой Халқ Республикасининг 40 га яқин компаниялари ўз маҳсулотлари билан қатнашди.



ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Халқаро кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорликни йўлга қўйиш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Натижада кичик бизнес субъектлари сони йил сайин кўпайиб, пировардида улар ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратиш, шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш, турмуш фаровонлигини оширишда ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Айниқса, соҳа вакилларига кўпроқ эркинлик берилиб, қўшимча имтиёзлар тақдим этилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ислоҳотларнинг навбатдаги босқичини бошлаб берди.



Дарҳақиқат, ушбу ҳужжат асосида ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар туфайли кичик бизнес вакиллари эмин-эркин фаолият кўрсатиб, иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида юқори кўрсаткичларни қўлга киритишаётир. Кўргазмада намойиш этилган маҳсулотлар билан яқиндан танишганлар бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар. Сабаби, ундан ўрин олган қурилиш материаллари, кимё, озиқ-овқат саноати, муқобил энергия манбалари учун ускуна ва жиҳозлар, қўшимча қийматга эга саноат маҳсулотлари ўзининг юқори сифати билан барчага манзур бўлди.

— Кўргазмада иштирок этиб, юртингиз иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётганига яқиндан гувоҳ бўлдим, — дейди хитойлик тадбиркор Жижонг Ли. — Давлатингиз раҳбари томонидан кичик бизнес равнақига қаратилаётган эътибор, чет эллик ҳамкорларга берилаётган имтиёзлар диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

### жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда

*Пойтахтимизда аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

**КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

Тадбир Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия ҳамда Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура, Олий суд, Олий хўжалик суди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Адвокатлар палатаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа қатор давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Амалий мулоқот руҳида ўтган тадбирда таъкидланганидек, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг асосий мақсадидир. Ушбу жараёнда ҳар бир шахснинг қонуний манфаатлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, шунинг баробарида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг жамият ҳаётида юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга нисбатан мустақил фикр ва фаол позицияга эга бўлишини рағбатлантириш устуворлик касб этмоқда. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга оид қонунчилик ташаббуслари илгари сурилдики, бу, ўз навбатида, мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

(Давоми 2-бетда).

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Жорий йилнинг 5-6 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро сармоявий форумда Ҳиндистон ишбилармон доираларининг бир гуруҳ вакиллари иштирок этишни режалаштирмоқда. Уларнинг айримлари "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида мазкур халқаро тадбирнинг аҳамияти ва ўз режалари билан ўртоқлашди.

## Халқаро инвестиция форуми хорижлик ишбилармонлар нигоҳида

**Киран Пал Сингх Чоудхури, "Kay Pee Exports" компанияси ижрочи директори:**

— Бундан атиги 25 йил аввал имкониятлари чекланган, аграр республика бўлган Ўзбекистон ҳозирги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий мамлакатга айланди. Ушбу ўзгаришларнинг асосий омилларидан бири сифатида мен республикангизда қулай сармоявий муҳит шакллантирилганлиги, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун йўли билан ҳимоя қилинишига эришилганлиги ҳамда уларга кенг имтиёз, афзаллик ва кафолатлар тизими яратилганини мамнуният билан эътироф этаман.

Бугун Ўзбекистонда дунёнинг турли давлатларидан келиб бизнес билан шуғулланаётган минглаб компаниялар тенг ҳуқуқли ва соғлом рақобат муҳитида фаолият юритаётир. Ана шундай ишбилармонлар орасида ҳиндистонлик бизнес вакиллари ҳам бор ва уларнинг сафи кенгайиб бораяпти.

Мен Тошкент халқаро сармоявий форумига юртингизда янги бизнес лойиҳани ишга туширишни режалаштириб бормоқдаман. Умид қиламанки, ушбу таклиф ўзбекистонлик ҳамкорларимизга маъқул келади ва биз тез орада биргаликда чармдан сифатли кийим-бош маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўямиз.

**Крис Жорж, "Ideawavelabs" компанияси бошқарувчиси:**

— Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитларнинг намойиши сифатида фаолият юритиб келаётган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарига ҳиндистонлик бизнес вакилларининг эътибори ортиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

## Франция парламенти делегацияси билан учрашув

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Франция Республикаси Парламенти Миллий ассамблеясининг "Франция — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Филипп Менье бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Музокара давомида меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти, унинг ҳуқуқий асослари тўғрисида маълумотлар берилди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳалар қатори парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бу эса икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди

*Инсон ва унинг саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, шу жумладан, ёши улуғ кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш истиқлол йилларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг асосини ташкил этади.*

**САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ**

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2014 йил 1 августдаги "2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарорлари ҳамда 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган "1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Хусусан, жорий йилнинг мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилингани ҳамда шу асосда Давлат дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган устувор вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани юқоридаги фикримизнинг мантиқий давомидир.

(Давоми 3-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Буюртмалар портфели" ўз вақтида шакллантирилиши, 2016 йил ишлаб чиқаришининг прогнозлаштирилаётган ҳажмлари учун хом ашё ва материалларни, энг аввало, IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш давомида харид қилишга шартномалар тузиш, шунингдек, XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида тузилган шартномаларни амалга оширишда хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгиланди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори мамлакат Президенти томонидан жорий йил сентябрь ойида Фарғона ва Наманган вилоятларига ташриф давомида белгилаб берилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда 2016 — 2019 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда 2015 йилнинг энг муҳим объектларини ишга туширишни таъминлаш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича 2016 — 2019 йилларда назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни бошлашни жадаллаштириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижалари чуқур ва батафсил таҳлил қилинди. Фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши ва иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий инфратузилмани барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилиши ўзлаштирилган инвестицияларнинг 9,9 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш 7,4 фоизга ўсишини таъминлаганлиги қайд этилди. 3 440 та янги объектлар фойдаланишга топширилди, юқори технологик ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича 76 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Ўзбекистон Миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича 1,0 триллион сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар ва орқада қолишлар учун бир қатор хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг фаолияти танқид қилинди. Улар олдига қолоқликнинг ўрнини тўлдириш ва амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди, шунингдек, уларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги раҳбарларига жорий йилнинг сентябрь ойида ташкил этилган Янгидан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини, техника ва технологияларни эксперт баҳолаш агентлигининг ишини жадал ташкил этиш ва унинг бундан буён самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган комплекс чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда экспортнинг прогноз параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, экспортга етказиб бериш турларини кўпайтириш ва географиясини кенгайтириш бўйича мавжуд резервларни энг кўп даражада сафарбар этиш, шунингдек, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш масалаларига жиддий эътибор берилди. Жаҳон бозорларидаги ноқулай конъюнктурага қарамай, иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини рағбатлантириш ва экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар ташқи савдо айланмасида ижобий сальдо тенденциялари сақланиб қолишини таъминлаш имконини берганлиги алоҳида таъкидланди. Йил бошидан бошлаб олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 830 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналарга, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига экспортга етказиб бериш ҳажмларини янада кўпайтиришга ва турларини кенгайтиришга, мамлакатимиз экспорт қилувчиларининг анъанавий ташқи бозорлардаги мавқеини мустаҳкамлашга ва янги бозорларни ўзлаштиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқлари, тураржой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз-қиш даврига тайёрлаш, шунингдек, бўлажак куз-қиш даврига мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка ғамлаш ишларини тугаллаш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, "Ўзтрансгаз" компанияси, "Ўзбекэнерго", "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятлари, шунингдек, бир қанча вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг эътибори иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва тураржой фонди объектларининг 2015-2016 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан, газ-транспорт ва энергия билан таъминлайдиган объектлар барқарор ишлашини, табиий газ, кўмир ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун улар шахсан масъул эканлигига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмларда ғамлашни тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, уларнинг қиш-баҳор даврида талабни ва нархлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, ички бозорда нархларнинг асоссиз равишда кескин ўсиб кетишига йўл қўймасдан аҳолига сотиш учун савдога тизимли қўйилишини таъминлаш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2015 йилги иқтисодий дастурнинг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш ва келгуси йилда республика иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун ишончли кафолатлар яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА.**

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

### Буюртмачилар кўпаймоқда

*Ёзёвон туманида саноат субъектлари сони йилдан-йилга ортмоқда. Хусусан, пахта чиқиндисини қайта ишлашга ихтисослаштирилган "Ботиров Раҳматилло Ботирович" хусусий корхонаси қисқа муддатда ички ва ташқи бозордан мустаҳкам ўрин эгаллади.*

Натижада ўтган йилнинг ўзида 146 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспортга йўналтирилди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса мижозларнинг 170 минг долларлик буюртмалари бажарилди.

— 2013 йили Хитойдан энг илғор дастгоҳлар келтириб ўрнатганимиздан сўнг фаолиятимиз жонланди, — дейди корхона раҳбари Отабек Ботиров. — Ҳозир йилига ўртача 600 тонна маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Муҳими, модернизациялаш тадбирлари туфайли қўшимча иш ўринлари яратилди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Янги маҳсулот турлари ўзлаштирилди

*Ховос туманидаги "Энерго насл чорва" масъулияти чекланган жамияти томонидан тўрт турдаги йогурт тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозир олча, банан, қулупнай ва малина таъми қўшилган ушбу неъматлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.*

Шунингдек, корхонада кефир, пишлоқ, сариёғ каби ўндан зиёд сут маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилаётир. Жамият ўз чорвачилик фермасига эга. Бу эса хом ашё таъминоти узлуксизлигига эришиш ҳамда таннархни арзонлаштиришда муҳим аҳамият касб этаяпти.

— Корхонамизда бир кеча-кундузда 10 тонна сутни қайта ишлаш имконияти мавжуд, — дейди цех устаси Зуҳра Шербоева. — Хориждан келтирилган замонавий технологияни жорий этганимиз туфайли рақобатдош озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашга эришаяпмиз. Эндиликда яна бир неча турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрмоқдамиз.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Шифобахшлик хусусияти сақланади

*Табиий асал совуқда қуюқлашиш хусусиятига эга. Бу эса уни қадоқлаш жараёнида қийинчиликларни юзага келтиради. Натижада шифобахш неъматни 40 даража ҳароратда эритиш зарурати туғилади.*

Аммо мутахассислар фикрича, иссиқлик меъёридан бир оз ошиб кетса, унинг таркибидаги глюкоза, фруктоза, сахароза каби витаминлар хусусияти йўқолади. Қўлбола усулда қадоқланганда эса уни эритиш учун қўлланилган ҳароратни қатъий назорат қилиш имкони йўқ.

"Косон ёғ-экстракция" акциядорлик жамияти мутасаддилари бу масаланинг оддий ечимини топишди. Корхонага қарашли асаларичилик хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотни бежирим идишларга қадоқлаш учун хориждан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Эътиборлиси, мазкур дастгоҳдаги махсус қурилма ҳароратни автоматик равишда назорат қилади. Иссиқлик 40 даражага етганда, у иситишни тўхтатади ва натижада асалнинг сифати бузилмайди. Ҳозир бу ерда кунига 200 килограммгача шифобахш неъмат қадоқланмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Франция парламенти делегацияси билан учрашув

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Икки мамлакат парламентларида ташкил этилган ўзаро дўстлик гуруҳлари мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Делегация аъзолари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва демократик ислоҳотларни ижобий баҳолади. Шунингдек, улар мамлакатда олиб борилаётган сиёсатни, чунончи, барча миллат вакилларининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, сайлов қонунчилигидаги ислоҳотлар ва жараёнлар меҳмонлар томонидан юксак эътироф этилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги тажрибаси Франция томони учун долзарб аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан алоқалар самарали давом этиши ҳар икки томон учун ҳам фойдали эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис биз Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдормиз. Бизнинг компаниямиз кир ювиш машиналари, музлаткичлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Тадбир давомида нафақат маҳсулотларимиз савдоси бўйича, балки шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан ҳам музокаралар олиб бордик. Бу тез орада ўзининг амалий самараларини беришига ишончим комил.

Ташкилотчиларнинг айтишича, кўргазмага хитойлик тадбиркорларнинг таклиф этилиши бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги тенг манфаатли алоқалар турли йўналишлар, жумладан, иқтисодиёт, савдо-саноат соҳаларида изчил ривожланмоқда. Юртимизда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган корхоналар сони 582 тага етгани, Хитойнинг етмишдан ортиқ компанияси ўз ваколатхонасини очгани бунинг яққол далилидир.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилаётгани савдо-саноат жабҳасида ҳамкорлик жадал ривожланишини таъминлаяпти. 2007 — 2014 йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 5 баробардан кўпроқ ўсиб, ўтган йили 4,7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир.





Ҳасан ПАЙДОЕВ («Халқ сўзи») ва Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Кўргазмадан кўзланган асосий мақсад ҳам тадбиркорлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хусусан, бизнес фаолиятини бошлаётган ишбилармонларга замонавий ускуна ва жиҳозларни тақдим этиш, ҳамкорлар топишда яқиндан кўмаклашишдир. Шу маънода, уч кун давом этган тадбирда юртимиз ҳамда хитойлик тадбиркорлар ўз маҳсулотларини намойиш қилиш билан бирга, ўзаро тажриба алмашиш, узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга муваффақ бўлгани қувонарлидир.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Халқаро инвестиция форуми хорижлик ишбилармонлар нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биз ҳам ана шундай қизиқиш билдираётганлардан биримиз, десам, муболаға бўлмайди.

Компаниямиз маркетинг ва реклама саноатида кенг фойдаланиладиган замонавий технологиялар бизнеси билан шуғулланади. Бугунги ахборот ҳамда мобиль алоқа технологиялари тобора ривожланиб бораётган даврда ушбу соҳа дунёнинг барча давлатларида, ҳукуматга қарашли ва хусусий ташкилотларда, қолаверса, аҳолининг кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Биз Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳага эътибор, қизиқиш катта эканлигидан хабардормиз ҳамда Тошкент халқаро сармоявий форумида ўзбек ҳамкорларимиз билан биргаликда фаолият бошлашни режалаштирганмиз. Ўйлайманки, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этади, шунингдек, ҳар иккала томон учун ҳам муваффақиятли бўлади.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 20 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1937,39 | 1 Россия рубли | 43,41 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4112,10 | 1 Украина гривнаси | 125,06 |
| 1 Дания кронаси | 405,64 | 1 Малайзия ринггити | 632,57 |
| 1 БАА дирҳами | 725,22 | 1 Польша злотийси | 714,23 |
| 1 АҚШ доллари | 2663,45 | 1 СДР | 3763,32 |
| 1 Миср фунти | 331,69 | 1 Туркия лираси | 920,69 |
| 1 Исландия кронаси | 21,38 | 1 Швейцария франки | 2791,88 |
| 1 Канада доллари | 2061,49 | 1 евро | 3039,59 |
| 1 Хитой юани | 418,77 | 10 Жанубий Корея вони | 23,73 |
| | | 10 Япония иенаси | 223,09 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

### жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, юртимизда ҳуқуқий маърифатни қарор топтириш, бунинг учун аҳолининг барча қатлам вакилларида қонунларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш бўйича муайян тизим яратилган. Айни соҳадаги муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинган. Аҳамиятлиси, ушбу қонунларнинг ижросини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ҳам роли ва нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бу эса нодавлат сектор фаолиятини такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор ва изчиллик билан амалга оширилаётган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларининг ёрқин натижасидир.

Бинобарин, Конституциямизда фуқаролик институтларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига риоя қилиш кафолатлари, уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришга оид тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган. Бу борада қабул қилинган икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини босқичма-босқич рўёбга чиқаришда ҳуқуқий асос бўлаётир.

Давра суҳбатида алоҳида қайд этилганидек, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотлари алоҳида ўрин тутади. Буни бугун республикамиздаги мавжуд 8 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат бошқаруви органлари томонидан муҳим қарорларни қабул қилишда, мамлакат ва жамият ҳаёти учун долзарб қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этаётгани, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламларига етказишда ташаббус кўрсатаётгани ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали тарзда олиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. 2014 йилда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ҳамда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг барча соҳадаги, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини янада жадал суръатда давом эттиришида дастуриламал бўлаётир.

— Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги қарорига асосан, Адлия вазирлиги ҳузурида Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тузилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими Алижон Қаҳрамонов. — Мазкур кенгаш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи ва умумлаштирувчи ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ҳамкорлик ва ягона ёндашувни ташкил этишни мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Таъкидлаш ўринлики, кенгаш томонидан жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ишлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари кўмаги катта бўлаяпти. Ижтимоий шериклик институти давлат ва нодавлат тузилмаларнинг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ҳамкорлиги тобора ривожланиб боришига замин яратаётир.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотларнинг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ, албатта. Ҳуқуқий маданияти етук шахс қонунларни, жамиятдаги ахлоқ меъёрларини ҳурмат қилади, уларга оғишмай риоя этади, тўғри йўлдан адашмайди. Ҳуқуқий тарғибот тадбирлари эса фуқароларни, айниқса, ёш авлодни ана шундай руҳда тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

— Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда фаоллик кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сафи кенг, — дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бош консультанти Муродали Жўраев. — Айтиш жоизки, республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш бўйича ННТ иштирокини кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан эълон қилинаётган давлат грант танловлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу Фонд томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили грант танлови эълон қилинаётир. Уларда юқори баҳоланган ва молиялаштирилган лойиҳалар асосида давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилаётган аниқ манзилли чора-тадбирлар ўзининг амалий натижаларини бераяпти.

Тадбирда юртимизда нодавлат секторни қўллаб-қувватлашнинг ноёб тизими яратилгани инсон ҳуқуқлари соҳасида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни ва долзарб вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини бераётгани айтиб ўтилди. Ушбу институт фаолияти такомиллашиб бораётгани фуқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамлаб, демократик қадриятларни қарор топтиришга, барча жабҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

— Жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мамлакат тараққиётига дахлдор масалалардан ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси раиси Инқилоб Юсупова. — Бу йўналишда юртимиздаги кўплаб ННТ фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатаётгани эътирофга лойиқ. Бизнинг ташкилот ҳам ижтимоий шериклик асосида эҳтиёжманд қатлам вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бунда маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хотин-қизлар қўмиталари билан яқин ҳамкорлик ўрнатганимиз айни муддао бўлаётир.

Давра суҳбатида қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги, аҳолининг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини оширишда адвокатура институтининг ўрни, бола ҳуқуқларини таъминлашда ҳуқуқий тарбия, шунингдек, ҳуқуқий саводхонликни такомиллаштириш юзасидан ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Якунда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклик принципларига асосланган ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Давлат дастури ижроси доирасида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган навбатдаги саломатлик ҳафталиги ҳам ана шу мақсадга хизмат қилди, десак, сира адашмаймиз. Ушбу тадбирга ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари, тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг етакчи олиму шифокорлари жалб этилди.

Пойтахтимизда ҳам мазкур акция доирасида қатор тадбирлар уюштирилди. Жумладан, Яшнобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 31-оилавий поликлиникасида ёшлар, фертил ёшидаги аёллар, оналар ва нуронийлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Истиқлол йилларида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётига алоҳида мазмун бағишлаяпти, — дейди ушбу оилавий поликлиника бош шифокори Феруза Шоаҳмедова. — Муассасамиз ҳудудимиздаги ўттиз тўрт мингдан ортиқ аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти оналар ва болалардир. Шу билан бирга, Давлат дастури асосида қарийб беш минг нафарга яқин кексаларимиз ўз уйларида чуқурлаштирилган тиббий хизматдан фойдаланишаётир. Таъкидлаш ўринлики, поликлиникамизнинг янгидан бунёд этилгани ҳамда зарур тиббий жиҳозлар билан таъминлангани янада самарали фаолият кўрсатиш имконини бераяпти. Энг муҳими, тиббий хизмат сифатидан аҳоли мамнунлигини изҳор қилмоқда.

Йил давомида ташкил этилган бу каби ижтимоий акцияларда икки юз мингдан ортиқ кексалар, ногиронлар қамраб олинди. Тиббий кўриклар натижасида уларнинг барчаси стационар ва амбулатор шароитларда соғлиғини мустаҳкамлади, санатор-курорт муассасаларда соғломлаштирилди.

Бинобарин, етти минг нафардан зиёд уруш ва меҳнат фахрийларига ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда клиникаларида тиббий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, беш мингдан ортиқ қарияларда таянч-ҳаракат тизими, юрак-қон томир, эшитиш ва кўриш аъзолари, эндокрин тизими касалликларида юқори технологияли мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилди.

*— Ҳар бир она фарзанди соғлом ўсишини хоҳлайди, — дейди пойтахтимизнинг Тузель маҳалласида истиқомат қилувчи Хуршида Нажимова. — Давлатимиз томонидан оналар ва болаларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик ҳамда эътибордан хурсандмиз. Бугун эса тиббий кўрикка оила аъзоларимиз билан келдик. Шифокорлар очиқ чеҳра билан кутиб олиб, саломатлигимизни текширишди, тегишли муолажалар, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришди. Бундан ташқари, “Дори-дармон” акциядорлик компанияси томонидан бепул дори-дармонлар солинган жамланмаларни улашишди.*

*— Одатда, шифокорлар уйимизга боришарди, — дейди Мастура ая Нуриллаева. — Бугун эса бир этак набираларимни етаклаб ўзим келдим. Нимагаки, янгидан қурилган поликлиникамиз барчанинг ҳавасини уйғотади, шу ернинг ўзида, барча қулайликка эга муассасада муолажа олишга нима етсин?! Шифокорларнинг ширинсуханлиги, меҳрибонлиги, очиғи, кўнглимни тоғдай кўтарди. Танамдаги дард, чарчоқдан бутунлай халос бўлдим. Биз, кексаларга шундай кенг имкониятларни яратиб берган Юртбошимизга минг раҳмат!*

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва клиникалари ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида катаракта ва глаукома билан оғриган 1500 нафар, простата безги аденомаси билан 750 нафар, юрак-қон томир касалликлари аниқланган 800 нафар нуроний тезкор амалиётдан ўтказилгани бунинг ёрқин далилидир.

Бу галги саломатлик ҳафталиги кенг қамровлилиги билан ажралиб турди. Хусусан, тиббий текширувлар замонавий диагностика асбоб-ускуналари — флюро-мобиллар, УТТ ва ЭКГ аппаратлари воситасида амалга оширилди. Бундай қулайлик ва имкониятлар жаҳоннинг камдан-кам давлатларида мавжуд. Шу маънода, мамлакатимиз она ва бола муҳофазаси, аёлларга яратилаётган қулай шароитлар борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Туғруқ ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ўсмир қизларни оилага тайёрлаш, болаларни эмлаш каби чора-тадбирлар она ва бола саломатлиги муҳофазасига йўналтирилмоқдаки, бундан юртдошларимиз беҳад мамнун.

Мамлакатимиз миқёсида бўлиб ўтган навбатдаги ижтимоий акцияда соҳанинг етакчи олим ва юксак малакали шифокорлари барча ҳудудларда бўлиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди, хонадонларда бўлиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишди, тиббий маданиятни ошириш юзасидан ўз тавсияларини беришди. Шунингдек, жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ходимлари пойтахтдан ташриф буюрган фан докторлари, профессор ва доцентлар билан ёнма-ён туриб, тажриба алмашиш, соҳадаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш имконига ҳам эга бўлдилар.

**Фурқат САНАЕВ,**
**Дилмурод СОДИҚОВ.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.


## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖда 2015 йил 10 ноябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** Миробод тумани СИБ томонидан 2013 йил 19 февралдаги 1-99-3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уй манзилидаги умумий майдони 283 кв.м., фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 63 144 000 сўм.***

**II.** Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 27 941 969 сўм.***

**III.** Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уй манзилидагидаги, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 154 527 263 сўм.***

**IV.** Миробод тумани СИБ томонидан 2014 йил 22 мартдаги 123725/109601-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 16-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 37 195 826 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-«Б» уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 73 кв.м. бўлган 43 ва 45-сонли автомобилларни сақлаш жойлари.

***Бошланғич баҳоси — 71 455 139 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, 10-уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 15-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 37 195 826 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Эски Саракўл кўчаси, 81-83-уйларда жойлашган, умумий ер майдони 909,34 кв.м., умумий майдони 179,10 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 195 977 667 сўм.***

**V.** Олмазор тумани СИБ томонидан 2014 йил 16 февралдаги 10-1410/24130-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 116-уйда жойлашган, умумий майдони 2371 кв.м. бўлган цех биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 000 000 000 сўм.***

2015 йил 24 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 9 мартдаги 1-1476/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Н. Мусаев кўчаси, 44-уйдаги, умумий фойдаланиш майдони 170,26 кв.м. бўлган уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

1555R/34

Хизматлар лицензияланган.



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2015 йил 19 ноябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар Самарқанд шаҳар СИБ томонидан қўйилмоқда:**

**1.** ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2015 йил 24 июлдаги 1-3880-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 130-уй, 24-хонадондаги, яшаш майдони 89,60 кв.м., фойдаланиш майдони 143 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 123 750 000 сўм.***

**2.** ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2015 йил 12 мартдаги 1-1051/20145-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 16-уй, 18-хонадондаги, тураржой майдони 49,09 кв.м., умумий майдони 63,94 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 195 297 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (0-366) 234-06-38.**

1556A/34

Хизматлар лицензияланган.



ЭЪЛОНЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

NBU

**маълумотларни узатиш корпоратив тармоғини ва оптик толали тармоқни бошқариш марказини модернизация қилиш мақсадида дастурий восита етказиб берувчини танлаш бўйича тендер эълон қилади.**

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) ушбу эълон чоп этилган санадан кейинги 7 календарь кун мобайнида юридик шахслардан қабул қилинади.

Тендерда қатнашиш учун буюртманома юборган ва малака танловидан ўтган шахсларга тендер ҳужжатлари мазкур эълон чоп этилган санадан кейинги 17 календарь кун давомида берилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш улар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, ушбу эълон чоп этилган санадан кейинги 31 календарь кун ўтгач, маҳаллий вақт билан соат 16.00 да тўхтатилади.

**Буюртманома шакли ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» бош маъмурий биноси.**
**Телефон: (+99871) 234-42-86. Интернет-сайт: www.nbu.com**
**Алоқада бўлувчи шахс — Артём Сметанов.**

1554A/75



## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Бекобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 23 июндаги 5880/81/82/83/84/85-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Тақачи қишлоғида жойлашган, умумий майдони 264,87 кв.м. бўлган клуб биноси.

***Бошланғич баҳоси — 58 870 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 19 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ТИФ Миллий банки Учтепа филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050001, МФО: 00918, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.**

1552A/743

Хизматлар лицензияланган.



***ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!***

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**Сизларни 5, 10, 12 ва 17 ноябрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга таклиф қилади.**

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли (собиқ «Митан шароб» МЧЖ балансида бўлган) Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Мингчинор қўрғони, Чордара маҳалласида жойлашган, ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган қуйидагилар:

* узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси № 1;
* узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси № 2;
* қуйиш линияси;
* иситиш ускунаси (Е-1/10-0,9 қозони);
* иситиш ускунаси (Е-1/10-0,9М2 қозони);
* трансформатор подстанцияси тўплами (ТМ-63/10 кВт трансформатори);
* 72 дона турли ҳажмдаги алюминий ва сирланган цистерналардан иборат мол-мулклар яхлит ҳолда такроран қўйилади.

***Бошланғич баҳоси — 447 693 000 сўм.***

**Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари.**

Савдо ғолиби мулк сотилиш баҳосининг 20 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, шартнома имзоланганидан сўнг 1 (бир) ой мобайнида тўлаши, қолган қисмини эса шартнома асосида келишилган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан шартнома асосида келишилган муддатда сотилган тақдирда, сотиб олиш тўловларини бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобламасдан бўлиб-бўлиб тўлашни, шунингдек, сотиб олиш тўловлари тўлиқ тўлангунга қадар объектни тасарруф этиш ҳуқуқисиз ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз амалга оширилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

* юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
* жисмоний шахслар — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
* эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
* икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари: сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога қўйилаётган мол-мулклар бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш иш кунларида мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу мол-мулклар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**

**Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 234-45-33, 235-17-02.**
**Тел./факс: (0-371) 234-04-53.**

**Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (0-371) 233-02-49.**
**Тел./факс (0-371) 233-23-40.**
**Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

1549R/30

*Гувоҳнома № 005357.*



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Қашқадарё филиалида 2015 йил 2 ноябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Қарши шаҳри, Шибаев кўчаси, «Мадина» мебель цехида жойлашган «Гунгон» савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 524 843 537 сўм.***

**2.** Қарши шаҳри, Ғафур Ғулом номли МФЙ, Ғузор кўчасида жойлашган савдо базаси.

***Бошланғич баҳоси — 2 260 622 847 сўм.***

**3.** Қарши шаҳри, Қизил мачит кўчасида жойлашган бир қаватли маъмурий бино ва омборхона бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 271 028 242 сўм.***

Талабгорлар юқоридаги кўчмас мулклар билан Қарши шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва 2015 йил 30 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш ва аукцион савдоси ўтказиш манзили: Қарши шаҳри, Ғузор кўчаси, 4-уй. Телефон: (0-375) 227-20-28.**

1557R/34

Хизматлар лицензияланган.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони жамоаси масъул ходим А. Ҳасанбоевга онаси

**РАЪНО аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

## АНЪАНА

*Алишер Навоий айтади: "Тарбиянинг бири болага яхши от қўйиш бўлиб, уни исми билан чақирганларида, у уяладиган бўлмаслиги керак". Чиндан ҳам, гўдакка қўйилган исм нодир ва бетакрор совға, умрбод йўлдошдир. Ота-она ўз фарзандига муносиб исм танлашга интилиши табиий ҳол. Барчага равшанки, исм оилада, жамоада одамларнинг бир-бирини фарқ қилишлари, ўзаро муомалада бўлишлари учун амалий ёрдам беради. У танланаётганда, нафақат ана шу эҳтиёж, балки исмлар замирида ота-онанинг орзу-истаклари, ниятлари ҳам ўз тажассумини топади.*

# Исмлар жозибаси

Халқимизда болага исм қўйиш жараёни қадимдан турли-туман халқона эътиқод, ишонч ва хилма-хил удумларни адо этиш билан боғлиқ бўлган. Олимлар бунда халқнинг этнографик ва тарихий анъаналари беқиёс ўрин тутишини таъкидлашади. Бундан шундай хулоса чиқадики, исмлар бир миллатнинг узоқ ўтмишидан, яшаш тарзидан ва орзу-ўйларидан дарак берувчи муҳташам манбалардир. Исмларга шунчаки Алидан Валини ажратувчи восита сифатида эмас, балки миллатнинг тарихи ва келажагини боғлаб турувчи бир ҳалқа сифатида қараш жоиз.

Ғоятда бой, хилма-хил, ўзбек халқи этнографияси, этник маданияти, маънавияти ҳамда тарихининг бетакрор мероси эканини кўрсатадиган ўзбек тилидаги исмлар мажмуаси она тилимизнинг қимматли ва бебаҳо бойлигидир. Ушбу хазина нафақат кундалик ҳаётимизга, айни пайтда бадиий асарларга ҳам жозиба бағишлайди. Шундай асарлар борки, уларни ёдга олсак, албатта, машҳур қаҳрамонлар исми тезда хаёлимизга келади. Ўзбек адабиётининг қудратини муайян маънода Алпомиш, Барчиной, Отабек, Кумуш, Зумрад, Анвар, Раъно каби қаҳрамонлар исмлари билан ҳам боғлиқ дейиш мумкин. Халқимиз орасида кенг тарқалган юқорида келтирилган исмларнинг аксарияти ана шундай асар қаҳрамонларига ҳавас-ла қўйилгани бор гап. Демакки, миллий ўзликни англашга интилиш, у билан боғлиқ миллий қадриятларимизни ўрганиш, қайта кашф қилиш, халқимизнинг тарихий битиклари — фольклор, бадиий меросидаги қаҳрамонларнинг исмини болага қўйиш удумининг ортиши учун исм қўйгувчиларнинг ҳам муайян билими, салоҳияти бўлиши керак.

Бадиий матнда ижодкорнинг исмлардан турли бадиий мақсадда фойдаланишини кузатиш мумкин. Жумладан, исмларни қисқартириб қўллаш ёки атайлаб бузиб талаффуз қилишда ҳам муайян бадиий ният кузатилади. Ёзувчи ушбу ҳолат орқали қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатни ёритиши мумкин. Аммо кундалик ҳаётда бу ҳолат салбий тарзда қабул қилинади. Кексаларимиз ўгитларида "Исмни қисқа айтманг, инсон қулоғига энг ёқимли эшитиладиган сўз — бу унга мурожаат қилган вақтингизда исмини айтганингиздир, ҳатто, қисқартириб айтилган исм инсон умрини ҳам қисқартиради", деган фикрлар учрайди. Шундай экан, ота-онамиз, бобо-бувимиз ҳавас-ла қўйган мерос — исмларни тўлиқ айтишга ҳаракат қилайлик, оилада ҳам бу миллий маънавият, маданиятга дахлдор ҳолатга бефарқ бўлмайлик. Зеро, ўзлигимизга, тилимизга бўлган эътибор исмларимизда ҳам зуҳур топар экан, уларни бошқа шаклларга ўзгартириб ёки ясаб мурожаат қилишимиз, мутлақо мумкин эмас.

**Дилрабо АНДАНИЁЗОВА,**
**тадқиқотчи.**

# Тил, тараққиёт ва маънавият

*Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамкорлигида "Тил, тараққиёт ва маънавият" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.*

## ТАДБИР

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 26 йиллиги муносабати билан ташкил этилган анжуманда соҳа мутахассислари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар қатнашди.

Таъкидланганидек, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ она тилимизни ривожлантириш, давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, уни нафақат расмий тил, балки миллий маданиятимизнинг ифода воситаси сифатида янада бойитиш ва софлигини асрашга алоҳида эътибор берилаётир. Бинобарин, давлат ва жамоат ташкилотларида "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиздан ташқарида ҳам миллионлаб кишилар ўзбек тилида мулоқот қилади. Қолаверса, хорижий давлатларда она тилимизда китоблар, газета ва журналлар чоп этилмоқда, шунингдек, ўзбек тилини ўрганишга қизиқувчилар сони тобора ортиб бораяпти. Буларнинг барчаси тилимизнинг бойиб, мавқеи юксалиб бораётганидан далолатдир.

— Мен ўзбек тилини кунт билан ўрганаяпман, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Кикучи Кахо. — Умуман, Японияда ўзбек тилига қизиқувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Боиси, бу тилнинг ўзгача жозибаси бор. Мақсадим, олий ўқув юртини тугатгач, ўзбек тили йўналишида илмий изланиш олиб бориш ва ушбу тилни ўрганиш иштиёқида бўлган юртдошларимга амалий ёрдам беришдир.

Анжуманда она тилимизнинг давлат тили сифатидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз экани айтиб ўтилди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

# Спорт

*Англиянинг Манчестер шаҳрида таэквондо WTF бўйича Гран-при турнирининг учинчи босқичи ташкил этилди.*

## Дунё рейтингида етакчи

Мусобақанинг энг оғир вазн тоифасида доянга чиққан юртдошимиз, амалдаги жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин олтин медаль билан бирга, 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун бериладиган 40 рейтинг очкосига эга бўлди.

Дмитрий якуний жангни кубалик Рафаэль Кастильога қарши ўтказди. Рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмаган спортчимиз дунёда тенгсиз эканлигини яна бир карра исботлади.

Ушбу муваффақият Дмитрий Шокинга энг оғир вазндаги таэквондо усталарининг жаҳон рейтингида биринчи ўринга кўтарилиб олишига замин яратди.

## Юртдошимиз «Катта дубулға»да тенгсиз

*Франция пойтахти Париж шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган "Катта дубулға" туркумига кирувчи халқаро мусобақада спортчиларимиз муваффақиятли қатнашди.*

Жумладан, 60 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида Шарофиддин Лутфуллаев бронза медали билан тақдирланди. Турнирнинг сўнгги кунида -81 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан яна бир тажрибали дзюдочимиз Шаҳзод Собиров рақибларини мағлуб этиб, ғолибликка эришди. Ҳал қилувчи баҳсда у россиялик Сергей Рябовдан устун келди.

Ўзбекистон дзюдо терма жамоаси битта олтин ва бронза медали билан умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллади.

## «Насаф» — Ўзбекистон кубоги соҳиби



*Жиззах шаҳрида фойдаланишга топширилган янги "Сўғдиёна" стадионида Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қаршининг "Насаф" ва Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоалари ўзаро куч синашди.*

Ўйинни ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошқариб борди. Айтиш жоизки, дастлабки бўлим тенг курашлар остида кечди ва ҳисоб очилмади. 63-дақиқада "қалдирғочлар" вакили Акромжон Комилов иккинчи сариқ карточкани олиб майдонни тарк этгач, устунлик "Насаф" томонига ўтди. 71-дақиқада Артур Геворкян жаримадан жуда чиройли гол киритди — 1:0. 75-дақиқада Геворкяннинг бурчакдан узатиб берган тўпини ҳимоячи Шерзод Аъзамов дарвозага аниқ йўллади — 2:0.

Беллашув якунланиши арафасида "Бунёдкор" вакили Сато Минори йўллаган зарбадан сўнг тўп Шерзод Аъзамовга тегиб, дарвозага бориб тушди — 2:1. Шу ҳисоб ўйин охирига қадар сақланиб қолди ва "Насаф" ўз тарихида илк бор Ўзбекистон кубоги соҳибига айланди.

**С. ИСЛОМОВ**
**тайёрлади.**

ЭЪЛОНЛАР


## «VIP REAL ESTATE» МЧЖ

**аукцион савдосига таклиф этади.**

2015 йил 6 ноябрь куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ЖИБ Паркент тумани судининг 2015 йил 28 майдаги 1-114/15-сонли ижро варақасига асосан, Паркент тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий майдони 378,84 кв.м.дан иборат 2 қаватли маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 210 405 670 сўм.***

Аукцион савдосига чиқарилган мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InFinBank»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143.**
**E-mail: info@realtors.uz, веб-сайт: www.realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1550A/465



## Академик Маҳмуд Мирзаев номли БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**2016 йил учун 1-босқичга қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қабул эълон қилади.**

| Т/р | Ихтисослик шифри | Ихтисослик номи | 2016 йил учун ажратилган ўринлар сони |
|---|---|---|---|
| 06.00.00 — Қишлоқ хўжалик фанлари | | | |
| 1. | 06.01.07 | Мевачилик ва узумчилик | 2 |

**Талабгорлардан қуйидаги ҳужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябрга қадар қабул қилинади:**

- институт директори номига ариза;
- паспорт нусхаси;
- маълумотнома (ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржимаи ҳол);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси. Талабгор камида 2 йиллик илмий ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлиши зарур;
- олий таълим муассасасининг магистратура босқичи диплому ёхуд фан номзоди диплому ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этадиган илмий мақолалар (журналларда камида учта) ҳамда конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати (3.4-шаклда), шунингдек, уларнинг нусхалари;
- талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- мавзунинг Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг мавзулар базасига киритилганлиги;
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий маслаҳатчи сифатида белгилаш юзасидан розилик хати (етакчи олимнинг паспорт нусхаси илова қилинади). Бунда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг мавзулар базасидан танлаб олинган мавзу бўйича, қоидага кўра «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида» Низомнинг 8-бандига мувофиқ, ушбу мавзуни таклиф этган етакчи олим илмий маслаҳатчи бўлиши мумкин.

**Талабгорлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар (кириш имтиҳонлари 2015 йил 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади):**

- мутахассислик;
- Ўзбекистон тарихи;
- фанни билиш назарияси ва методологияси;
- чет тили (инглиз ёки немис).

**Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Гулистон» ҚФЙ, Чимкент йўли кўчаси.**
**Тел.: (0-371) 220-24-42, 220-26-82. Факс: (0-371) 220-26-48.**

1472A/716



## «Қибрай» клиник санаторийси



**юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.**

**Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.**

**Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.**

**Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

*Манзилимиз:*

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

**Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.**

02R/955



## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

● Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Яшнобод тумани судининг 2013 йил 7 августдаги 1-481/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 19-даҳаси, 52-уйда жойлашган, умумий майдони 58,54 кв.м., тураржой майдони 46,73 кв.м., 3 та хонадан иборат бўлган уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 134 118 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 19 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

● Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 25 мартдаги 10-1413/4434-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 массиви, 28-уйда жойлашган, умумий майдони 82,0 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўконининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 90 000 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 10 июлдаги 10-1413/8301-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-2 массивида жойлашган, умумий майдони 253,0 кв.м.дан иборат (блок-1 ва блок-2) савдо павильонлари.

***Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2015 йил 5 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

1551A/6



## «FPI DELIVERY SERVISE» МЧЖ

**боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ва камхаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.**

***Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от кучига эга. Дизель ва бензин ёнилғисида ишлайди.***



Маҳсулотлар сертификатланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотариал идора).**
**Маълумот учун тел.: (+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.**

884R/449



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 377 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5